

ТАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
08.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРБОБОВА ГУЛРУХ БАХТИЁРОВА

**МУЛЬТИСЕРВИС ТАРМОҚЛАРИДА БОШҚАРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ
ҚИЛИШНИНГ НЕЙРО-НОРАВШАН МОДЕЛЛАРИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.04.01 - Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ШЕРБОБОВА ГУЛРУХ БАХТИЁРОВА

**МУЛЬТИСЕРВИС ТАРМОҚЛАРИДА БОШҚАРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ
ҚИЛИШНИНГ НЕЙРО-НОРАВШАН МОДЕЛЛАРИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.04.01 - Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва
куримлари. Ахборотларни тақсимлаш

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фаилари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyounet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Марахимов Авазжон Рахимович техника фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юсупбеков Азизбек Нодирбекович техника фанлар доктори, профессор Исаев Рихси Исаходжаевич техника фанлар номзоди, профессор
Этапчи ташкилот:	Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc. 28.12.2017.Т.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "20" 12 соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (99871) рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-44).

Диссертация автореферати 2019 йил "6" 12 да тарқатилди.
(2019 йил "26" 11 даги 12 рақамли реєстр баённомаси)



И.Х. Сиддиқов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.Х. Джуманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

И.Б. Усманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги йилларда бошқа тармоқлардан фаркли ўлароқ кенг хизмат турларини тақдим этиш имкониятига эга бўлган мультисервис тармоқлари тобора кенг қўлланилмоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Германия, Швеция, Франция, Жанубий Корёя, Ҳиндистон, Россия ва бошқа мамлакатларда мультисервис тармоқлари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Янги хизматларни жорий қилиш учун тегишли тармоқ манбалари керак бўлади. Шу нуқтаи назардан, мультисервис тармоғини бошқариш тизимининг самарадорлик кўрсаткичлари моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги энг муҳим масалалардан бири мультисервис тармоқларини жорий этиш, уларни ривожлантириш йўлларини такомиллаштириш, мультисервис тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг математик моделини ишлаб чиқиш, ҳайро-норавшан технологиялар назариясига асосланган ҳолда каналларнинг ўтказиш қобилияти, пакетларни кечикиши ва бошқа кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Жаҳонда ахборот ва коммуникация технологияларни ривожлантиришга, мультисервис тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ва реал вақт режимида иловаларни юқори даражада сифатли узатиш учун элементларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш, маълумотларни юқори сифат билан узатишнинг илмий асослари яратилмоқда. Бу йўналишда мультисервис тармоқлари ва транспорт тармоқларини жорий этиш, уларни ривожлантириш йўлларини такомиллаштириш, норавшан тўпламлар назарияси асосида мультисервис тармоқларини бошқариш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда мультисервис тармоқлари самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ҳар томонлама ҳал этиш мураккаб илмий муаммо бўлиб, телекоммуникация бозорига киришда реал бошқариш тизимларида бошқариш жараёнларининг самарадорлигини таҳлил қилиш билан боғлиқ тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини белгилайди.

Республикамизда ахборотлаштиришни ривожлантиришга, чекка туманлар аҳолисининг ҳам кенг полосали интернетдан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан маълумотлар узатиш тезлигига мувофиқ хизматлар кўрсатиш сифатини, фойдаланувчиларга мультисервиси хизмат турларини таъминлаш, шу хизмат турларидан сифатли фойдаланишга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...Интернет тармоғи орқали эркин қириладиган базани яратиш, ...Республика аҳолисининг юқори тезликдаги Интернетга уланиши, ...телекоммуникация тизимини кенг қўламда модернизация қилиш...»¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан норавшан тўпламлар назарияси асосида мультисервис тармоқларини бошқариш самарадорлигини тадқиқ қилишнинг модели ва алгоритмининг ишлаб чиқиш, сўровларни ўз вақтида бажариш эҳтимоллигини тармоқнинг тайёргарлик коэффициенти ва юкланганлигига боғлиқлик даражасини таҳлиллашнинг аналитик моделини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда мультисервис тармоқларининг самарадорлигини баҳолаш алгоритмлари ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва маълум назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан, хорижий олимлардан: J.G.Andrews, F.Baskett, D.M.Chiu, M.Dohler, E.Gelenbe, V.B.Iversen, R.R.Yager, M.Naenggi, F.Kelly, P.J.Kuhn Россиялик олимлар: Г.П.Башарин, Ю.В.Гайдамака, Е.Д.Бычков, Л.Р.Гилязов, П.П.Бочаров, В.М.Вишневский, Б.В.Гнеденко, А.Н.Дудин, А.И.Зейфман, Б.С.Гольдштейн, В.Ю.Королёв, А.Е.Кучерявый, И.А.Соколов, В.И.Лохтин ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда мураккаб структурага эга бўлган алоқа тармоқларини бошқариш самарадорлигини таҳлил қилишнинг турли жиҳатлари, самарадорлик кўрсаткичлари тавсифлари, тизим, тармоқларни бошқариш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг турли усуллари бўйича илмий тадқиқот ишлари куйидаги олимлар томонидан кўриб чиқилган, жумладан, Д.А.Абдуллаев, Т.Ф.Бекмуратов, М.М.Камилов, С.К.Ғаниев, А.Р.Марахимов, Т.Н.Нишонбоев, Р.И.Исаев, Н.Б.Усманова, И.Х.Сиддиқов, А.Э.Аллаев, Д.Т.Мухаммадиева ва бошқалар.

Бироқ, ҳозирги кунда мультисервис тармоқларининг бошқариш тизимларини самарадорлигини ошириш, уларни баҳолашнинг математик

моделли ва бошқариш алгоритмларини яратишнинг илмий асосланган усуллари ҳамда шуларга бағишланган илмий изланишлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №ИТД 5-36-сон “Нефтекимёвий қурилма ва мажмуаларнинг технологик хавфсизлигини мониторингини ахборот аналитик интеллектуал системасини ишлаб чиқиш” (2012-2014), №А5-42-сон “Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни бошқариш ва интеллектуаллашган автоматлаштирилган мониторингини дастурий инструментал воситалари” (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мультисервис тармоқларида бошқариш жараёнлари самарадорлигини баҳолашнинг нейро-норавшан моделлари ва алгоритмларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

телекоммуникация тармоқлари ва хизматларини бошқариш жараёнларининг самарадорлигини баҳолашнинг тизимли таҳлили;

мультисервис тармоқлари ресурсларини бошқариш жараёнини нейро-норавшан моделларини ишлаб чиқиш;

нейро-норавшан технологиялар асосида мультисервис тармоқларини бошқариш жараёнларини самарадорлигини баҳолашнинг алгоритмларини яратиш;

телекоммуникация тармоқларининг бошқариш тизимидаги носозликларни башоратлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

мультисервис тармоқларининг бошқариш тизими фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг имитацион моделини яратиш;

мультисервис тармоқларини бошқариш жараёнларини тавсифларини ҳисоблаш ва тадқиқ қилишнинг дастурий мажмуасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мультисервис тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини мультисервис тармоқларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг нейро-норавшан моделлари ва алгоритмлари ҳамда алгоритмик дастурий воситаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, телетрафика назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари, графлар назарияси, норавшан тўплам ва мантқ назарияси, интеллектуал бошқариш назарияси ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дастлабки маълумотлар ноаниқлиги шароитида фаолият кўрсатувчи мультисервис тармоқларини бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашнинг норавшан тўплам кўринишидаги модели яратилган;

мультисервис тармоғи ва унинг воситалари тавсифларини аниқлашнинг

нейро-норавшан моделлари ишлаб чиқилган;

мультисервис тармоғи учун вақт тавсифлари (каналларнинг ўтказиш қобилияти, ахборотларни ушланиб қолиши ва йўқотилиши)ни ҳисоблашнинг нейро-норавшан моделлар асосидаги ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

мультисервис тармоғини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг ва унинг оптимал қийматларини топиш масаласи учун имитацион модели яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Дастурий таъминот шаклида мультисервис тармоғи бошқарув тизимининг иш самарадорлигини тадқиқ қилиш ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

Тизимли таҳлил асосида мультисервис тармоғи бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган бошқарув тизимининг вақт-эҳтимоллик тавсифларини тадқиқ қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги норавшан тўпламлар ва мантқ, нейрон тармоқлар, замонавий бошқариш назариясининг тасдиқланган усулларидан фойдаланган ҳолда эҳтимоллар назариясига асосланган телекоммуникацион тармоқларни бошқариш концепцияси асосида олинган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари ва уларнинг ўзаро мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маълумотлар ноаниқлиги шароитида мультисервис тармоқлари бошқарув тизимининг самарадорлигини тадқиқ қилишнинг автоматлаштирилган моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат. Шу билан бирга, диссертацияда нейро-норавшан моделларнинг гибрид ҳолда қўлланилиши мультисервис тармоқларининг сифат кўрсаткичларини ягона математик асосда баҳолашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошқариш тизимининг вақт-эҳтимоллик тавсифларини башоратлаш ва баҳолашга имкон берувчи дастурий мажмуа кўринишидаги мультисервис тармоқларини самарадорлигини тадқиқ қилиш ва баҳолаш воситасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мультисервис тармоқларида бошқариш жараёнларининг самарадорлигини тадқиқ қилишнинг нейро-норавшан моделлари ва алгоритмлари бўйича олинган натижалар асосида:

ноаниқлик шароитида фаолият кўрсатувчи мультисервис тармоқларини бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашнинг норавшан тўплам кўринишидаги модели Қашқадарё Радио телевидения узатиш марказида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 августдаги 33-8/5936-сон маълумотномаси). Натижада мультисервис тармоғидаги

ахборотлар оқимининг тезлигини 20% га, каналларнинг ўтказиш қобилиятини 15% га орттиришга эришилган;

мультисервис тармоғи ва унинг воситалари тавсифларини аниқлашнинг нейро-норавшан моделлари, мультисервис тармоғи учун вақт тавсифларини ҳисоблашнинг нейро-норавшан моделлар асосидаги ҳисоблаш алгоритмлари “UMS” МЧЖ Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар хизмат кўрсатиш марказида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 августдаги 33-8/5936-сон маълумотномаси). Натижада мультисервис тармоғи самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари, яъни ахборот оқими интенсивлигини 5–7% га ошириш ҳамда ахборотларни йўқотилиш даражасини 5,2% дан 11,3% гача камайтириш имконини берган;

мультисервис тармоғини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг ва унинг оптимал қийматларини топиш масаласи учун имитацион моделлаш тизими Ўзбек-Индонезия қўшма корхонасининг “ЎЗИ-Қарши” филиалида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 августдаги 33-8/5936-сон маълумотномаси). Натижада мультисервис тармоқларида турли хилдаги ноаниқликлар шароитида маълумотлар оқимини бошқариш жараёнларини самарадорлигини баҳолаш имконини бериб, ахборотларнинг йўқотилиши 7% га камайиши ҳамда ахборотларни узатилиш аниқлиги мавжуд тизимларга нисбатан 5% га юқори бўлишини кўрсатган;

мультисервис тармоғи учун вақт тавсифларини ҳисоблашнинг нейро-норавшан моделлар асосидаги ҳисоблаш алгоритмлари “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиалида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 августдаги 33-8/5936-сон маълумотномаси). Натижада мультисервис тармоқларининг бошқариш жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини, ахборотларнинг йўқотилишини камайитириш ҳамда хизмат кўрсатишнинг сифатини 5–7% га оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та халқаро, 15 республика илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 3 та мақола, республика миқёсидаги илмий журналларда 5 та мақола чоп этилган, 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий маҳсулотлар гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, нашр этилган ишлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Мультисервис тармоқларини бошқариш муаммоларининг замонавий ҳолати” деб номланган биринчи бобида мультисервис тармоқларини бошқариш жараёнининг самарадорлик кўрсаткичларини тадқиқ этиш бўйича илмий ишланмалар, таклиф этилган усуллар ва моделлар тизимли кўриб чиқилган ва таҳлил натижалари тақдим этилган. Бобда мультисервис тармоқларини бошқариш жараёнининг самарадорлик кўрсаткичларини техник-иқтисодий концепцияга асосланиб тадқиқ этиш ва оптималлаштириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Маълумки, мультисервис тармоқлари (МСТ) бу турли хил хусусиятлар билан ажралиб турадиган мураккаб кўп компонентли объект бўлиб, у пакетли коммутация технологиясидан фойдаланган ҳолда нутқ, тасвир ва маълумотларни узатиш учун мўлжалланган универсал кўп мақсадли муҳитдир. МСТнинг асосий вазифаси турли хил ахборот ва телекоммуникация тизимлари ва иловаларини ягона транспорт муҳитида ишлашини таъминлашдир.

Тақсимланган структурага эга бўлган замонавий МСТнинг функционал модели кириш, транспорт, тармоқни бошқариш ва хизматларни бошқариш поғоналаридан иборат. МСТ бошқарув тизимларининг ўзига хос хусусияти уларнинг кўп босқичли ва иерархик тузилишга эга эканлигидир. МСТда бошқариш жараёнларини тадқиқ қилишнинг асосий ва долзарб вазифаси тақдим этилаётган хизматларнинг кафолатланган сифатини таъминлайдиган тармоқни бошқариш тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

МСТнинг самарадорлик кўрсаткичлари $F_{сов}$ тизимнинг қатор муҳим параметрларига боғлиқ. Улар орасида абонент ва тармоқ терминаларининг тезлик параметрлари, тизимни ишлатиш шартлари ва усуллари билан белгиланадиган МСТнинг вақт-эҳтимоллик тавсифлари асосий рол ўйнайди ва қуйидаги функционал боғлиқлик орқали тавсифланади:

$$F_{сов} = \left\{ F \left[\max_i (k_{i, mn}, \varepsilon_i), \min_i (t_{i, cp, s}, l_a) \right], i = \overline{1, n} \right\}$$

бу ерда $k_{i, mn}$ — i -чи пакетлар оқимини узатишда каналнинг ўтказиш қобилияти; $t_{i, cp, s}$ — i -чи пакетларнинг кечикиш вақти; ε_i — тармоқ ресурсларининг самарадорлик коэффициенти.

Алоқа каналларининг ўтказиш қобилияти қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$k_{i,m,y_{m,k}}(\varepsilon_i, N_{i,m,y_{m,k}}) = \sum_{l=1}^n [V_{lmr} N_{i,m,y_{m,k}}], \quad i = \overline{1, n}$$

бу ерда - $N_{i,m,y_{m,k}}$ қурилмалар сони. Бундай ҳолда ўртача кечикиш вақтининг минимал қиймати қуйидаги тенгсизлик орқали аниқланади:

$$t_{i,y_{p,k,a}} = \text{Argmin} [t_{i+1}(\lambda_{\text{чик}}) - t_i(\lambda_{\text{куп}})] K_{i,\text{чик}}^{-1} \leq t_{i,y_{p,z,\text{куп}}}, \quad 1 \leq i \leq n$$

бу ерда $t_i(\lambda_{\text{куп}})$ ва $t_{i+1}(\lambda_{\text{чик}})$ - i -нчи маълумотлар оқимининг пайдо бўлиш вақти; $\lambda_{\text{куп}}$ ва $\lambda_{\text{чик}}$ - коммутаторнинг кириш ва чиқишида маълумотларнинг пайдо бўлиш тезлиги; $K_{i,\text{чик}}$ - i -нчи маълумотлар оқимини сиқиш коэффициентини.

Таъкидлаш керакки, қўллаб ҳолларда МСТнинг самарадорлигини баҳолаш учун юқорида санаб ўтилган мезонлардан ташқари, миқдоран қийин баҳоладиган бир неча ўзига хос мезонлар ҳам қўлланади. Бу мезонларга масштабланувчанлик, бошқарилувчанлик, ҳар хил трафик турларини қўллаш, юкламанинг ўзгаришларига барқарорлик, ҳалакитбардошлик, монтаж қилиш ва ишлатишнинг оддийлиги ва бошқалар қиради.

Диссертациянинг “Нейро-норавшан технологиялар асосида мульти-сервис тармоқларининг бошқариш тизимини шакллантириш” деб номланган иккинчи бобида МСТни бошқариш жараёнининг расмий тавсифи берилган ва МСТни бошқариш тизимининг функционал элементларининг нейро-норавшан моделлари ишлаб чиқилган, бунинг асосида МСТни бошқариш тизимининг мантикий-вазиятли модели яратилган.

МСТни синтези учун тизим моделини яратишга асос тизимли ёндашув бўлиб, унга мувофиқ МСТни моделлаштириш ва лойиҳалашда муаммоларни тизимли равишда ажратиш амалга оширилади.

МСТни тартиблаштирилган компонентлар тўплами сифатида кўриб чиқамиз:

$$M_{mi} = \langle \Omega, F, C, K, \Theta \rangle$$

бу ерда Ω - тизимнинг мақсади; F - тизимнинг функцияси; C - функцияларни ишлатилиши тузилмаси; K - тизим элементлари; Θ - тизимнинг ишлашини ташкил қилиш.

Шунинг учун мульти-сервис тармоқларини ахборот объектлари тўплами сифатида қараш мумкин:

$$S = \{S_i\}$$

Ҳар бир $S_i \in S$ объектга унинг x_{S_i} ҳолат тавсифини $x_{S_i} = \langle A_{S_i}, D_{S_i} \rangle$ кўринишидаги кортежга мослиги қўйилади, бу ерда $A_{S_i} = \{a_{S_i}^1, a_{S_i}^2, \dots, a_{S_i}^n\}$ - i -чи ахборот объекти хоссалари номлари тўплами; $D_{S_i} = \{d_{S_i}^1, d_{S_i}^2, \dots, d_{S_i}^n\}$ - i -чи ахборот объекти хоссаларига мос келадиган доменлар тўплами.

Ахборот объектлари бирикмаси маълумотлар ҳолатлари тўплами орқали тавсифланади:

$$X_s = \{x_s\}.$$

X_s тўплагма функционал муносабатлар тўпланини ўрнатиш мумкин:

$$R = \{r_i\}$$

бу ерда $R \subseteq X_s \times X_s$ - x_s ҳолатларни алмашиш функциялари оркали аникланадиган функционал муносабатлар тўплами, маълумотларга ишлов бериш функциялари тўплами; r_1 -маълумотларни олиш, r_2 -маълумотларни узатиш, r_3 - маълумотларга ишлов бериш, r_4 -маълумотларни сақлаш, r_5 - маълумотларни акс эттириш.

Ҳар бир маълумотларга ишлов бериш функцияларини унинг ҳолати тавсифини $x_R = \langle A_R, D_R \rangle$ кўринишдаги кортежга мос келишига қўйилади, бу ерда $X_{s_{i1}}$ - i -чи ишлов бериш функцияси хоссаларининг номлари тўплами, $D_R = \{d_R^1, d_R^2, \dots, d_R^n\}$ - i -чи ишлов бериш функциясига мос келадиган доменлар тўплами.

Маълумки, МСТни бошқариш тизимининг тузилиши кўп босқичли иерархик жиҳатдан ташкиллаштирилган тузилишга эга. Шунинг учун МСТни бошқариш жараёнининг самарадорлигини баҳолашда бошқариш тизимининг тузилишини тавсифлаш керак. МСТ бошқарув тизимидаги реал вазиятда ноаниқ характердаги турли хил ташқи омиллар таъсир этади, шунингдек тармоқ ҳолатидаги ўзгаришлар ноаниқ тарзда содир бўлади.

Шу муносабат билан бошқарув моделида унинг таркибий қисмлари норавшан тўплагмалар назарияси асосида шакллантирилиши мумкин. Муайян вазият учун бошқариш моделларининг турли хил кўринишлари қўлланилиши мумкин:

$$M_{\text{бонш}} = \langle T, X, Y, U, \tilde{Q}, Z, L, F, \varphi, G, C, A, B \rangle$$

бу ерда $\tilde{Q} = \{q / \mu(q)\}$ – ҳолатнинг норавшан тўплами; $\mu(q) \mu(q)$ – норавшан таълуқликлик функцияси, $\mu(q) \in [0,1]$; $G\{g(q)\}$ – норавшан ўлчов тўплами, $g(q) \in [0,1]$.

$$M_{\text{бонш}} = \langle T, X, \tilde{Y}, \tilde{U}, \tilde{Q}, \tilde{Z}, L, F, \varphi, G, C, A, B \rangle$$

бу ерда $\tilde{U} = \{u / \mu(u)\}$ – бошқарувнинг норавшан тўплами (каналлар); $\tilde{Z} = \{z / \mu(z)\}$ – норавшан мақсадлар тўплами.

$$M_{\text{бонш}} = \langle T, X, Y, \tilde{U}, \tilde{Q}, \tilde{Z}, L, F, \varphi, G, \tilde{C}, A, B \rangle$$

бу ерда $\tilde{C} = \{c / \mu(c)\}$ – норавшан харажатлар тўплами.

Диссертация ишида мультисервис тармоқларининг сифат кўрсаткичларини тавсифловчи куйидаги параметрлар аникланади:

1.Тармоқ унумдорлигининг интеграл вақт характеристикаси (тармоқ тезкорлиги): $\tau_{\text{ра}} = \tau_{\text{стив}} + \tau_{\text{суб}} + \tau_{\text{субв}} + \tau_{\text{жов}} + \tau_{\text{убв}}$

2.Каналларнинг ўтказиш қобилияти: $\sum_{i=1}^{n-1} \sum_{j=i+1}^n a_{ij}^{\gamma, \gamma} \lambda_j l_{\gamma}^h \leq p_{\gamma}, \gamma \neq \eta$

3.Тармоқ ресурсларнинг тайёргарлик даражаси: $K_{\text{мах.а.с.о.р.}} = \frac{t_p}{t_p + t_{\text{с.с}}}$, $Y = \frac{V_{\text{нл}}}{t}$

4.Трафикда содир бўладиган пульсациялар: $\eta(k_{i,m,y_m,x} \leq \lambda_{i,\text{чик}}) = \sum_{i=1}^n \frac{k_{i,m,y_m,x}}{\lambda_{i,\text{чик}} \cdot \rho_i} < 1$.

5.Ахборот пакетларининг йўқотилиш эҳтимоллиги: $P_{\text{оғс}} = \frac{N_{\text{оғс}}}{N_{\text{юзм}}}$

6.Умумий ушланиб қолиниш вақти: $t_{\gamma}^{\Sigma} = \sum_{i=1}^{n_h} v_i^* u_i^{v_i, v_i}$

7.Коммутацион қурилмаларга тушаётган маълумотларни ушлаб қолинишининг ўртача қиймати:

$$t_{\gamma}^* = \frac{1}{\frac{p_{\gamma}^{\Sigma}}{t^*} - \sum_{i=1}^{n-1} \sum_{j=i+1}^n d_{ij}^{v_i, v_j} \lambda_j}$$

8.Ҳар бир каналдаги пакетлар узатилишининг ушланиб қолиш вақти:

$$t_{\gamma}^{\Sigma} = \sum_{i=1}^{n-1} \sum_{j=i+1}^n d_{ij}^{v_i, v_j} t_{ij}^* + t_{\gamma}^{\Sigma}$$

9.Коммутацион қурилмаларнинг унумдорлиги: $\sum_{i=1}^{n-1} \sum_{j=i+1}^n \lambda_j u_p^{v_i, v_j} \leq v_p^{\text{forw}}$

10.Коммутацион қурилмаларнинг портлар сони:

$$\sum_{i=1}^{n_h} y_{i\gamma} + |A_{\gamma}| \leq m_{\gamma}^h, \quad \gamma = 1, 2, \dots, n_k$$

11.Маълумотлар узатиш тезлиги: $b_{ij}(q_p) = \begin{cases} 1, & \text{агар } Q_{ij}^r(\mu) = q_p \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{агар } Q_{ij}^r(\mu) \neq q_p \text{ бўлса.} \end{cases}$

$$\sum x_{ip} b_{ip}(q_i) + \sum_{i=1}^n y_{ip} b_{ip}(q_j) \leq m_p^h, \quad j = 1, \dots, n_k$$

12.Коммутацион қурилмаларнинг адреслар жадвалининг ўлчами:

$$\sum_{i=1}^{n_h} u_i^h m_i^h \leq M_p^h.$$

13.Буларни ҳисобга олган ҳолда алоқа канали ва коммутацион қурилмаларнинг самарадорлиги:

$$E = \sum_{i=1}^{n_h} \sum_{j=1}^{n_k} x_{ij} c_{ij}^{\text{ак}}(\lambda_j, Q_i^r(\mu), d_{ij}^{\text{ак}}) + \sum_{i=1}^{n-1} \sum_{j=i+1}^n y_{ij} c_{ij}^{\text{кк}}(\lambda_j, Q_{ij}^r(\mu), d_{ij}^{\text{кк}}) + \sum_{i=1}^{n_k} c_i^h$$

Бошқарув тизимининг самарадорлиги мультисервис тармоқларига киритилган ускуналарнинг ҳолати билан тавсифланади. Бундай ҳолларда, тизимнинг ишлаш жараёнини мантикий-вазиятли моделлар шаклида тасвирлаш қулай ҳисобланади.

МСТ ҳолатларини таҳлил қилиш мантиқий-вазиятли модели ҳолатларнинг ривожланиши кетма-кетлигини характерладиган мантиқий ифодалашлар ва фикрлар тўплами ҳисобланади. У мантиқий-вазиятли моделга мувофиқ шакллантирилади ва МСТнинг барча асосий ҳолатлари учун қўлланади. МСТ бошқарув тизимининг ишлаш жараёнининг мантиқий-вазиятли модели куйидагича шакллантирилган.

Турли хил вазиятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши ички ёки ташқи сабабларга кўра бўлиши мумкин (P_0):

$$\exists j: (P_1 \vee P_2 \vee \dots \vee P_0 \dots \vee P_0) \rightarrow S_j, \quad j \in M, 0 \in O.$$

Айрим вазиятлар бевосита омилларга олиб келиши мумкин:

$$\exists j: S_j \rightarrow F_i, \quad i \in N, j \in M.$$

Айрим вазиятлар омилларга ҳамда бошқа вазиятларга олиб келиши мумкин:

$$\exists j': S_j \rightarrow (F_i \vee S_{j'}), \quad i \in N, j \in M, j' \in M.$$

Айрим омилларни (F_i) бир ёки бир неча вазиятлар келтириб чиқариши мумкин:

$$\exists j: (S_1 \vee \dots \vee S_j \vee \dots \vee S_j) \rightarrow F_i, \quad i \in N, (i = 2), j' \in M, j \in M.$$

$$\exists i: [(S_1 \wedge S_j) \vee \dots \vee (S_j \wedge S_M)] \rightarrow F_i, \quad i \in N, j' \in M, j \in M.$$

k -чи турдаги ҳолат ҳолатларнинг кейинги ривожланиши учун вазиятлар омилларидан бирини келтириб чиқариши мумкин, у тўғридан-тўғри ҳолатга олиб келмайди, балки унинг кейинги ривожланишига олиб келади:

$$\exists n: k: (F_n \rightarrow R^k) \rightarrow (F_l \rightarrow F_i) \rightarrow (F_l \rightarrow R^k), \quad i \in N, l \in N, k \in K.$$

Ривожланишнинг i' -даражасида биринчи даражали вазиятдан камида битта j -чи турдаги вазиятнинг пайдо бўлиши:

$$(R_{j'}^1 \vee R_{j'}^2 \vee \dots \vee R_{j'}^k) \rightarrow R_{j'}, \quad k = \overline{1, K}, \quad j \in M, i' \in I',$$

бу ерда I' – ҳолатлар ривожланиш даражаларининг умумий сони.

i' -чи ривожланиш даражасида барча j -чи аниқ бир вазият турларидан вазиятнинг вужудга келиши:

$$(R_{j'}^1 \wedge R_{j'}^2 \wedge \dots \wedge R_{j'}^k) \rightarrow R_{j'}, \quad k = \overline{1, K}, \quad j \in M, i' \in I',$$

МСТнинг ишлаши натижасида камида битта турдаги вазиятнинг вужудга келиши:

$$(R^1 \vee R^2 \vee \dots \vee R^k) \rightarrow R, \quad k \in K.$$

Ҳолатларни таҳлил қилишнинг кўриб чиқилган мантиқий моделига мувофиқ вазиятни баҳолашнинг мантиқий эҳтимоллик модели шакллантирилади.

Сабаблардан бирдан аниқ бир вазиятнинг вужудга келиши эҳтимоллиги (P_j) куйидаги муносабат бўйича аниқланади:

$$\exists j: P_j = 1 - \prod_{o=1}^0 (1 - P_{oj}), \quad j \in M,$$

бу ерда P_{oj} – o -чи сабабдан j -чи аниқ бир вазиятнинг вужудга келиши эҳтимоллиги.

МСТ бошқарув тизимининг ишлаши учун таклиф қилинган мантикий-вазиятли модел тизимнинг келажақдаги ҳолатини башорат қилиш учун бошқариш жараёнининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг “Мультисервисли алоқа тармоқларини бошқариш тизимларини тадқиқ қилиш алгоритмлари” деб номланган учинчи боби МСТни бошқарув тизимининг самарадорлик кўрсаткичларини норавшан мантиқ ва нейрон тармоқларининг афзалликларини бирлаштирган гибрид нейро-норавшан технологиядан фойдаланишга асосланган шакллантириш масалаларига бағишланган.

МСТда бошқариш тизимларини нейро-норавшан модел асосида шакллантириш алгоритми 1-расмда келтирилган.

Ишлаб чиқилган нейро-норавшан модел реал вақтда оқимларни МСТ каналида узатиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун фойдаланилади.

Бунинг учун МСТда сегментларо интервалнинг асосий параметрлари танлаб олинди. Кириш параметрлари сифатида қуйидагилар танланди:

θ^{prev} – олдинги тактда олинган тасдиқларни кутишнинг ҳаракатланувчи ўртача давомийлиги; θ^{cur} – жорий тактда олинган тасдиқларни кутишнинг ўртача ҳаракат давомийлиги; δ^{prev} – олдинги тактда олинган сегментларо интервалнинг қиймати. Ишлаб чиқиладиган нейро-норавшан моделнинг чиқиш катталиги жорий тактда ўрнатилиши керак бўладиган θ^{cur} сегментларо интервал ҳисобланади.

Сегментларо интервални танлашда нейрон тармоқлар архитектураси бешта нейронлар қатламидан ташкил топган.

Биринчи нейронлар қатламида фазификациялаш амали бажарилади. Бунда ҳар бир кириш катталиги учун таълуқлилиқ функцияларининг қийматлари ҳисобланади.

Иккинчи нейронлар қатламида агрегациялаш амали бажарилади, бу ҳар бир норавшан қонданнинг ҳақиқийлик даражаси аниқлашга мўлжалланган.

Учинчи нейронлар қатлами орқали агрегациялаш натижаларини меъёрлаштириш бажарилади:

$$\bar{J}_r = \frac{J_r}{\sum_{r=1}^s J_r}.$$


Тўртинчи нейронлар қатлами активлаштириш норавшан қондалар индивидуал чиқишларининг қийматларини ҳисоблашга мўлжалланган:

$$H_1 = p_1 \theta^{prev} + s_1 \theta^{cur} + q_1 \delta^{prev} + j_1, \quad H_2 = p_2 \theta^{prev} + s_2 \theta^{cur} + q_2 \delta^{prev} + j_2,$$

$$\dots$$

$$H_8 = p_8 \theta^{prev} + s_8 \theta^{cur} + q_8 \delta^{prev} + j_8,$$

бу ерда $p_1, p_2, \dots, p_8, s_1, s_2, \dots, s_8, q_1, q_2, \dots, q_8, j_1, j_2, \dots, j_8$ - қийматлари нейро-норавшан тизимни ўрганиш натижасида аниқланадиган коэффициентлар.



1-расм. МСТда бошқарув тизимларини нейро-норавшан модел асосида шакллантириш алгоритми

Дефаззификациялаш амали нейронларнинг бешинчи қатлами орқали бажарилади, бунда чиқиш катталигининг кидирилаётган қиймати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\delta^{cur} = \sum_{r=1}^8 g_1.$$

$d_{x1}, d_{x2}, h_{x1}, h_{x2}, d_{y1}, d_{y2}, h_{y1}, h_{y2}, d_{z1}, d_{z2}, h_{z1}$ ва h_{z2} коэффициентларни олиш учун биринчи қатлам нейронларининг вазнларини сошлаш зарур, $P_1, P_2, \dots, P_8, S_1, S_2, \dots, S_8, Q_1, Q_2, \dots, Q_8, J_1, J_2, \dots, J_8$ қийматларни олиш учун эса тўртинчи қатлам нейронларининг вазнларини сошлаш талаб қилинади.

Ишлаб чиқилган моделнинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун MatLab & Simulink дастурий муҳитида МСТ каналлари бўйича ахборот сегментлари ва тасдиқлашларни узатишнинг имитацион модели ишлаб чиқилган, унда сегментлараро интервални нейро-норавшан модел асосида танлаш амалга оширилган.

Диссертациянинг “Мультисервис тармоқларини бошқариш жараёни самарадорлигини баҳолашда имитацион моделлаштиришнинг дастурий мажмуаси” деб номланган тўртинчи боби тармоқ самарадорлигининг асосий сифат кўрсаткичларини аниқлаш имконини берадиган МСТни бошқариш жараёнининг самарадорлигини баҳолаш учун имитацион моделлаштиришнинг дастурий таъминотни ишлаб чиқишга бағишланган.

Ишлаб чиқилган самарадорликни баҳолаш моделлари ва алгоритмлари асосида МСТнинг ишлаш жараёни имитацион моделлаштириш дастурий мажмуаси яратилган. Дастурий мажмуа алоқа каналларининг ўтказиш қобилияти, маълумотлар пакетларининг кечикиш вақти, кутиш вақти, шунингдек МСТнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида МСТнинг бошқариш тизимини ишлаш динамикасини характерлайдиган хизмат кўрсатиш сифати каби кўрсаткичларнинг маълум қийматлари асосида МСТнинг ҳолатини баҳолаш ва самарадорлигини аниқлаш масаласини ечишга имкон беради.

Бу дастурий мажмуа дастлабки маълумотлар ноаниқлиги шароитларида МСТнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш учун мўлжалланган. Дастурий мажмуа асосида сегментлараро интервални танлаш ва пакетларнинг йўқотилишини мультисервис тармоқларининг фаолияти самарадорлигига таъсири учун имитацион тадқиқотлар ўтказилди.

Бунинг натижасида дастлаб МСТда сегментлараро интервални танлаш ва пакетларнинг йўқотилишини МСТнинг фаолияти самарадорлигига таъсири учун мўлжалланган нейро-норавшан моделлар ишлаб чиқилган. Мавжуд моделлардан фарқи равишда бу моделлар норавшан нейрон тармоқ аппаратларидан фойдаланишга асосланади.

Fuzzy Logic Toolbox дастурий воситаси ёрдамида нейро-норавшан моделни сошлаш параметрлари аниқланади. 1а,б-жадвалларда биринчи ва тўртинчи қатлам нейронларини ўқитиш натижалари келтирилган.

Нейронларни ўқитиш натижалари

Параметр	d_{x1}	d_{x2}	h_{x1}	h_{x2}	d_{y1}	d_{y2}
Қиймат	3,85	25,4	3,83	27,3	3,75	28,57
Параметр	h_{y1}	h_{y2}	d_{z1}	d_{z2}	h_{z1}	h_{z2}
Қиймат	3,635	26,87	3,584	27,87	3,588	28,9

1б- жадвал


Параметр	p_1	p_2	p_3	p_4	p_5	p_6	p_7	p_8
Қиймат	16,2	-86,5	-35,4	407,1	38,8	-312,7	40,1	42,5
Параметр	s_1	s_2	s_3	s_4	s_5	s_6	s_7	s_8
Қиймат	72,3	41,1	235,7	-582,7	-134,8	425,4	-91,1	12,3
Параметр	q_1	q_2	q_3	q_4	q_5	q_6	q_7	q_8
Қиймат	-121,9	308,9	-527,2	452,3	105,1	-218,7	115,2	225,7
Параметр	j_1	j_2	j_3	j_4	j_5	j_6	j_7	j_8
Қиймат	-91,1	147,5	39,9	-9,2	34,8	-11,2	-17,6	11,8

2-жадвал


Имитацион тадқиқотларни ўтказиш учун дастлабки маълумотлар

Параметрнинг номи	Қиймати
Маълумотлар оқимидаги сегментлар сони	300
Сегментнинг битли давомийлиги	15 кбит
Алоқа каналларнинг ўтказиш қобилияти	2 Мбит/с

Олинган натижаларни худди шундай дастлабки маълумотлар билан таққослаш учун норавшан чиқиш тизими қўлланиши асосида сегментлараро интервални танлаш амалга оширилган моделдан фойдаланиш билан имитацион тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот натижалари маълумотлар оқимини узатиш давомийлиги ва сегментларнинг йўқотилишини каналнинг ўтказиш қобилиятига боғлиқликларини акс эттирадиган графикларда берилган (2 ва 3- расмлар).



2-расм. Маълумотлар оқимини узатиш давомийлигини каналларнинг ўтказиш қобилиятига боғлиқлиги



3-расм. Сегментларнинг йўқотилишини каналларнинг ўтказиш қобилиятига боғлиқлиги

Кўрсатилган графикаларда юқоридаги эгри чизиклар билан сегментларо интервални нейро-норавшан модел асосида фойдаланишдан олинган маълумотлар оқимини узатиш характеристикалари, пастки эгри чизиклар билан эса мавжуд тизимнинг қўлланиши асосида сегментларо интервални танлаш натижалари берилган.

Кўрсатилган боғлиқликларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, канал бўйича маълумотларни узатишда сегментларо интервални танлаш учун нейро-норавшан тизимнинг қўлланиши ахборотларни йўқотилишини 5,2–11,3 % га ва маълумотлар оқимини узатишнинг ўртача вақтини 7,1–12,3% га камайтиришни таъминлайди.

Яратилган дастурий мажмуалар асосида (№DГУ02630, №DГУ05940) имитацион тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, таклиф қилинаётган такомиллаштирилган усулнинг қўлланиши Tail Drop усулидан фойдаланишга қараганда пакетларнинг ўртача кечикишини 7–8 % га камайтириш ва RED усулига қараганда пакетларнинг йўқотилишини 10% га камайтириш ҳамда маълумот узатишнинг ўртача вақтини қисқартириш имконини берди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, диссертация ишида берилган усулнинг қўлланиши асосида турли синфлардаги пакетларга хизмат кўрсатиш учун ажратиладиган каналларнинг ўтказиш қобилиятини ўзгариши шароитларида телекоммуникацион тармоқ транзит маршрутизаторларида пакетларни ташлаб юбориш самарадорлигини сезиларли ошириши мумкин.

ХУЛОСА

“Мультисервис тармоқларида бошқариш жараёнларининг самарадорлигини тадқиқ қилишнинг нейро-норавшан моделлари ва алгоритмлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосаларни қилишга имкон беради:

1.Тизимли ёндашув асосида мультисервис тармоқларини бошқариш самарадорлигининг асосий сифат кўрсаткичлари, уларга таъсир этувчи асосий факторлар, уларда содир бўладиган турли жараёнлар таҳлил қилинди. Бу эса мультисервис тармоғи самарадорлик кўрсаткичларининг ўзаро

боғлиқлигини тасвирловчи мультисервис тармоғининг ахборот моделини назарий тўплам шаклида қуриш имконини берди.

2.Мультисервис тармоқлари фаолиятида содир бўладиган турли хил ноаниқликлар, уларни бошқариш тизими самарадорлигига таъсирини баҳолашнинг норавшан тўплам моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Бу эса МСТ функционал блоклари технологик ҳолатларини башоратлаш масаласини ечишни автоматлаштириш имкониятини беради.

3.Мультисервис тармоқлари қурилмалари фаолиятида содир бўладиган вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг мантиқий-вазиятли модели ишлаб чиқилган. Бу эса мультисервис тармоқлари бошқариш тизими самарадорлигини турли вазиятларда баҳолаш ва тўғри қарор қабул қилиш имконини беради.

4.Мультисервис тармоғини бошқаришнинг асосий функционал блоклари фаолияти, уларни асосий кўрсаткичлари: маълумотларни узатиш интенсиблиги, пакетларнинг кечикиши ва йўқотилишларини акс эттирувчи беш қатламли кўринишга эга нейро-норавшан моделлари ишлаб чиқилди. Яратилган ҳисоблаш моделларини қўллаш ахборотларни йўқотилиш даражасини 5,2–11,3% ва маълумотлар оқимларини узатишнинг ўртача вақтини 7,1–12,3 % га камайтириш имконини берди.

5.МСТ бошқариш жараёнининг алоқа канали узатиш функциясини ҳисобга олган ҳолда тезлик тавсифлари (каналларнинг ўтказиш қобилияти, пакетларнинг тугилиб қолиши)ни аниқлашнинг юқори самарадорликка эга алгоритмлари ишлаб чиқилди.

6. Мультисервис тармоғини бошқариш ва унинг қурилмаларини нейро-норавшан моделларини шакллантириш ҳамда таълуқлилиқ функциясининг таплаш алгоритми ишлаб чиқилган. Бу алгоритм экспертлар хулосалари асосида жараёнга мос келадиган тааллуқлилиқ функциясининг тури, шакли ва параметрларини аниқлаш усулини автоматлаштириш имконини беради.

7.Мультисервис тармоқлари конфигурацияси ва ишлаш режимларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши асосида яратилган алоқа каналларини бошқаришнинг ишлаш самарадорлигини (ўтказиш қобилияти, пакетларни кечикиши вақтини) баҳолаш алгоритмларининг қўлланилиши ахборотларнинг йўқотилиши 7% га камайиши, ҳамда ахборотларни узатилиш аниқлиги мавжуд тизимларга нисбатан 5% га юқори бўлишини кўрсатди.

8. Мультисервис тармоқларини бошқариш жараёнининг самарадорлигини тадқиқ қилиш ва баҳолашнинг нейро-норавшан моделлари ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуанинг қўлланилиши ахборотларнинг йўқотилишини камайтириш ҳамда хизмат кўрсатишнинг сифатини 5-7% га ва узатиш канали ўтказиш қобилиятини 15%га ошириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ШЕРБОБОВА ГУЛРУХ БАХТИЁРОВА

**НЕЙРО-НЕЧЕТКИЕ МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССОВ УПРАВЛЕНИЯ В
МУЛЬТИСЕРВИСНЫХ СЕТЯХ**

05.04.01- Телекоммуникационные и компьютерные системы, сети и устройства
телекоммуникаций. Распределение информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/T81.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Марахимов Аважон Рахимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юсупбеков Азизбек Нодирбекович
доктор технических наук, профессор

Исаев Рихси Исаходжаевич
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский институт инженеров
железнодорожного транспорта

Защита диссертации состоится «20» 12 2019 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108.Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 1598 Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «6» 12 2019 года.
(протокол рассылки № 12 от «26» 11 2019 г.).
(протокол рассылки № Иот 15 ноября 2019 года)




И.Х. Сидиков
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор


Ж.Х. Джуманов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент


Н.Б. Усманова
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последнее время в мире все больше применяются мультисервисные сети, в которых отличия заключаются в предоставлении широкого спектра услуг. В развитых странах, таких как, США, Великобритания, Нидерландия, Германия, Швеция, Франция, Южная Корея, Индия, Россия и других государствах, обращают особое внимание на повышение эффективности функционирования МСС. Внедрение новых услуг требует соответствующих сетевых ресурсов. С этой точки зрения, особое внимание уделяется разработке моделей и алгоритмов исследования показателей эффективности системы управления мультисервисной сети. В этом направлении одной из важнейших задач считается внедрение мультисервисных сетей, усовершенствование путей их развития, разработка математической модели расчета показателей эффективности мультисервисной сети, методы расчета показателей пропускной способности, задержка пакетов и др., основанных на теории нейро-нечетких технологий.

В мире создаются научные основы для развития информационных и коммуникационных технологий, разработки методов расчета показателей эффективности мультисервисной сети и повышения пропускной способности элементов для передачи приложений реального времени с высоким качеством. В этом направлении одной из важнейших задач считается внедрение мультисервисных и транспортных сетей, усовершенствование путей их развития, разработка моделей и алгоритмов управления мультисервисной сети, основанного на теории нечетких множеств, алгоритмов расчета и оценки показателей эффективности мультисервисной сети. Комплексное решение перечисленных задач представляет сложную научную проблему и определяет необходимость проведения исследований связанных с анализом эффективности процессов управления в реальных системах управления, поступающих на телекоммуникационный рынок.

В Республике Узбекистан уделяется особое внимание развитию информатизации общества, предоставлению широкополосного доступа в Интернет для жителей отдаленных районов со скоростью передачи данных, достаточной для предоставления услуг с заданным качеством, принятию специальных мер по предоставлению различных видов мультисервисных услуг пользователям. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»¹ определены задачи: «...создать базу для свободного входа в сеть Интернет, ... для подключения жителей Республики к высокоскоростному Интернету, провести широкомасштабную модернизацию систем телекоммуникаций ...». Выполнение указанных задач, в частности, разработка модели и алгоритмов, позволяющих исследовать эффективность управления МСС на основе теории нечетких множеств,

¹ Мирзиёев Ш.М. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, Приложение № 1, к Указу Президента Руз от 07.02.2017 г. N УП-4947

разработка аналитической модели, позволяющей проводить анализ зависимости вероятности своевременного обслуживания запросов от загрузки, являются весьма актуальными и востребованными.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Указе Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 года № УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года № ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2018 года № 185 «О мерах по дальнейшему улучшению качества услуг связи, информатизации и телекоммуникаций», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. За последние годы осуществляются научные исследования по разработке методов расчета, алгоритмов оценки эффективности мультисервисных сетей и получены определенные теоретические и практические результаты. В частности, в трудах зарубежных ученых: Andrews J.G., Baskett F., Chiu D.M., Dohler M., Gelenbe E., Iversen V.B., Yager R.R., Haenggi M., Kelly F., Kuhn P.J. Российские ученые: Башарин Г.П., Гайдамака Ю.В., Бычков Е.Д., Гилязов Л.Р., Бочаров П.П., Вишневский В.М., Гнеденко Б.В., Дудин А.Н., Зейфман А.И., Королёв В.Ю., Гольдштейн Б.С., Кучерявый А.Е., Соколов И.А., Лохтин В.И. и др. рассмотрены эти вопросы.

В таком направлении огромный вклад внесли следующие ученые Узбекистана: Абдуллаев Д.А., Бекмуратов Т.Ф., Камиллов М.М., Фаниев С.К., Марахимов А.Р., Нишонбоев Т.Н., Исаев Р.И., Усманова Н.Б., Сиддиқов И.Х., Аллаев А.Э., Мухаммадиева Д.Т. и др.

Вместе с тем, необходимы дальнейшие углубленные исследования процессов управления в создаваемых системах управления сетями следующего поколения, направленные на повышения эффективности процессов управления с учетом специфики мультисервисных сетей.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова, № ИТД-5-36 «Разработка информационно-аналитической интеллектуальной системы мониторинга

технологической безопасности нефтехимических установок и комплексов» (2012-2014) и №А-5-42 «Программно-инструментальные средства интеллектуализации автоматизированного мониторинга и управления технологическими объектами в условиях априорной неопределенности» (2015-2017).

Целью диссертации является разработка нейро-нечетких моделей и алгоритмов оценки эффективности процессов управления в мультисервисных сетях.

Задачи исследования:

системный анализ оценки эффективности процессов управления телекоммуникационных сетей и сервисов;

разработка нейро-нечеткой модели процессов управления ресурсами мультисервисных сетей;

разработка алгоритмов оценки эффективности процессов управления мультисервисных сетей на основе нейро-нечеткой технологии;

разработка алгоритмов формализации нейро-нечетких моделей элементов и системы управления мультисервисных сетей в целом;

разработка имитационной модели оценки эффективности процесса управления мультисервисных сетей;

